

Талаба-ёшларнинг академик билан учрашуви

Бугунги пандемия шароитида ҳам талаба-ёшларимизни бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида, факультет раҳбарияти ташаббуси билан техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги Мирзиёд Мирсаидович Мирсаидов билан Zoom платформаси орқали онлайн учрашув бўлиб ўтди.



Онлайн-тадбирга факультетнинг профессор-ўқитувчилари, иқтидорли ташаббускор талаба-ёшлар ҳамда 1 курс талаба-ёшлари иштирок этиши. Факультет декани Ш.Нарбаев модераторлик қилиб, учрашувни кириш сўзи билан очаркан, бугунги мураккаб таҳликали замонда талабаларимизда илм-фанга қизиқишини ошириш, уларни ёт ғоялардан асрар, ватанпарвар, мард ва жасур, маърифатли авлод этиб тарбиялашда бундай тадбирлар муҳим аҳамиятга эгалиги ҳақида тўхтади. Сўнг мамнуният билан академик М.Мирсаидовга сўз берди. М.Мирсаидов ўз сўзида юртбошимизнинг фанда эришилган ютуқларнинг амалиётга тадбиқ қилинишига катта эътибор бераётганлигига, юқори натижаларга эришган илмий ходимлар албатта келгусида тақдирланишига ҳозирги кунда Президентимиз томонидан тўла имконият яратилаётганлигини айтиб ўтди.

Хурматли Президентимиз илмдаги энг катта илмий натижаларни илмий тадқиқот ва олий ўқув юртларида ишлаётган ёшлардан кутаётганлигини ва бу бажарилаётган илмий ишлар, инновация ғоялари, янги технологиялар ва уларнинг тадбиғи билан якунланиши ҳақида ҳам М.Мирсаидов гапириб ўтди. Талабалар ва факультетнинг профессор-ўқитувчилари М.Мирсаидовга кўп саволлар бердилар. Берилган барча саволларга М.Мирсаидов тўлиқ жавоб қайтаришга ҳаракат қилди. Шу билан бирга М.Мирсаидов ўз сўзида илмда юқори натижаларга эришиш учун ёшларимиз тинмасдан меҳнат қилиб, яхши ўқишлири ва ҳар томонлама етук мутахассис бўлиш учун эса чет тилларини яхши билиши ва китобларни кўп ўқишга ҳаракат қилишлари керак деб таъкидлади. М.Мирсаидов келажакда давлатимиз томонидан қўйилаётган долзарб муаммоларни ечиш учун бу институтда етарли шароит борлигини, бу институт билан ЎзР ФА ва ТИҚҲММИ ўртасидаги интеграцияни ривожлантириш кераклигини айтиб ўтди.

Бу сұхбатлардан кейин ёшларда ишонч ва кўтаринки рух пайдо бўлганлигини факультет декани Ш.Нарбаев ўз сўзида айтиб, Президентимиз ишончининг факультет талаба-ёшлари томонидан албатта, оқланишига ишонч билдириди. Ўз навбатида эса академик Мирзиёд Мирсаидов бу йил биринчи курсга қабул қилинган талабалар келгусида етук олим ёки етук мутахассис бўлиши учун нима қилиш кераклиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Учрашув талабалар билан ўзаро мулоқот руҳида ўтганлиги боис уларни қизиқтирган қатор саволларига жавоб берилди.

ЕРБ факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувонини Ҳуррият Эшова ахбороти

Институт матбуот хизмати